


MUFASSA, SIMBA, TAKSI, SOLIST, BILLYARD, VENTILYATOR, DOMBRA, ShREK.

Oyindi baslawdan aldın, oqıwshılardan súwretlerde kórsetilgen zatlardı atawdı hám sózlerde ushırasqan notalardı sanap ótiwlerin sorań. Keyininen súwretke tuwrı keletuǵın notanı tabıń.

Keyin barlıq kartalardı bir topqa taqlań, jaqsılap aralastırıń hám oyın qatnasıwshılarınıń hár birine 4 kartanı tarqatıń. Qalǵan kartalardı súwretlerin tómen qaratıp bir topqa taqlap qoyıń.

Oyınshılar kelisimli yamasa shek taslaw boyınsha belgilengen gezek penen háreket qıladı. Eger topta kartalar bolsa, sol kartalardıń birewi ashıladı hám stoldıń ortasına qoyıladı, kerı jaǵdayda birinshi oyınshı óz kartalarından birin qoyadı. Keyingi oyınshı notaǵa súwret qosıwı kerek, onıń atı bul notanı óz ishine aladı yamasa kerisinshe, súwretke nota qosıwı kerek. Mısalı, *fa* jazıwına hesh bolmaǵanda fara yaqı fatanı qoyıwıńız múmkin. Oyın dawamında dominonıń hár bir yarımına bir neshe basqa kartalar biriktiriliwı múmkin. Siz olardı qálegen baǵdarda – sıziq boylap, at-anaqsha hám tekshe túrinde biriktiriwıńız múmkin, eń baslısı, nota hám sóz ortasındaǵı sáykeslik hesh jerde buzılmawı kerek. Yaǵnıy, notaǵa nota, súwretke bolsa súwret qoyıwǵa bolmaydı.

Diagrammada kórsetilgen mısalda oyınshı «dombranıń» súwretin «do» notasına biriktiredi, bunnan keyin júriw keyingi oyınshıǵa ótedi.




Júris waqtında oyınshı maydangá tek 1 kartanı qoyıwı múmkin, sonnan keyin háreket oyınshı keyingi oyınshısına ótedi. Eger oyınshınıń qolında uyqas karta bolmasa, onda ol stoldaǵı toptan basqasın aladı. Eger ol uyqas kelmese, júriw keyingi oyınshıǵa ótedi. Eger olda tuwrı kelmese, onda gezek keyingi oyınshıǵa ótkerip jiberedi. Eger stoldaǵı topta karta tawsılǵan bolsa, onda oyınshı gezekti ótkerip jiberedi.

Barlıq kartaların stolǵa birinshi bolıp qoyǵan oyınshı jeńis qazanadı. Oyın aqırǵı oyınshı barlıq kartaların jaylastırmaǵansha dawam etedi.

Eger topta kartalar tawsılıp qalsa hám hesh bir oyınshı júre almasa, oyın tawsıladı hám eń kem kartaǵa iye bolǵan oyınshı jeńis qazanadı.

Jıynalǵan domino oyını:



«Sıyqırıl tayaqsha» oyını. Oyınshı shárti: Bunda birinshi oqıwshı bir notanıń atın aytıp, keyingi oqıwshıǵa izine keyingi notanıń atın qosıw ushın sıyqırıl tayaqshanı beredi. Ol ekinshi notanıń atın tawıp, eki notanıń atın izbe-iz aytıp úshinshi oqıwshıǵa sıyqırıl tayaqshanı uzatadı hám t.b.

Bul oyında notalardıń atların notalardıń nota sıziǵında jaylasıw izligi boyınsha aytıwı kerek. Oyınǵa eki yamasa úsh komanda qatnasadı. Eger sıyqırıl tayaqshanı alǵan oqıwshı juwap ayta almasa, onda bul komanda oyınnan shıǵıp ketedi. Oyındı qalǵan komandalar dawam ettiredi:

1. do
2. do, re
3. do, re, mi
4. do, re, mi, fa
5. do, re, mi, fa, sol
6. do, re, mi, fa, sol, lya
7. do, re, mi, fa, sol, lya, si [5:31].

Juwmaqlap aytqanda, muzıka sabaǵında oyın texnologiyaların qollanıw oqıwshılardıń sabaqqa qızıǵıwshılıǵın arttıradı. Olardı sabaqqa aktiv qatnasıwǵa, jaqsı nátiyjelerge erisiwge hám jámaát bolıp birgelikte islewge baǵdarlaydı.

Ádebiyatlar

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.- С.73.
 2. Nurmatov X., Norxo'jaev N., Amaniyaov G. Muzika. 1-klass ushın sabaqlıq. -N.: «Bilim», 2014. 25-b.
 3. Nurmatov X., Norxo'jaev N., Amaniyaov G. Muzika. 2-klass ushın sabaqlıq. -N.: «Bilim», 2014. 16-b.
 4. Штейнпресс Б., Ямпольский И. Музыка хэўскериниң қысқаша сөзлігі. -Нөкіс. «Қарақалпақстан». 1983.
 5. Axetova G. «Ilm hám tálim-tárbiyada aldınıń tájiriybeler: izertlew hám nátiyjeler» atamasında Respublikalıq ilimiy -teoriyalıq hám ámeliy konferenciya materialları toplamı. -Nókis: NMPI baspaxanası 2015. 31-b.
- REZYUME.** Bul maqalada muzika sabaǵında qollanılátuǵın oyın texnologiyaları haqqında sóz etiledi. Notalar, nota jolı, skripka gıltı, notalardıń jaylasıwı haqqında túsinikler kórip shıǵılǵan. Oyın qaǵıydalarına toqtalǵan.
- РЕЗЮМЕ.** В этой статье говорится об использовании игровой технологии на уроках музыки. Рассмотрены понятия о нотах, нотном стане, расположение нот в нотном стане. Отмечены правила игры.
- SUMMARY.** This article talks about the use of gaming technology in music lessons. The concepts of notes, the staff, the location of notes in the staff are considered. The rules of the game are marked.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ЭЛЕМЕНТАР МАТЕМАТИК БИЛИМ БЕРИШ УСЛУБИЁТИ

М.Х.Алламбергенова – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ж.И.Жугинисова – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: мактабгача ёшдаги болалар, элементар математика, шакллантириш, компетенция, дастур, интерактив, аналогия, машғулотлар, мантикий топшириқлар, iSpring дастури, билим, кўникма, малакалар.

Ключевые слова: дошкольники, элементарная математика, формирование, компетенция, программа, интерактив, аналогия, уроки, логические задания, программа iSpring, знания, умения и навыки.

Key words: preschoolers, elementary mathematics, formation, competence, program, interactive, analogy, lessons, mixed tasks, iSpring program, knowledge, knowledge, skills.

«Илк қадам» мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг илк

ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига кўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ ишлаб

чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактаб-гача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган ва боланинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари: коммуникатив компетенция, ўйин компетенцияси, ижтимоий компетенция, билиш компетенциялари ҳам алоҳида белгилаб берилган.

Шунингдек, «Илк қадам» таълим дастурида 3.2.4. «Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси компетенциялари билиш жараёнининг ривожланиши соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- билим олишга фаол қизиқишни намоён этади;
- ўқув ва ҳаётий фаолият учун ахборотни мустақил равишда топади ва ундан фойдаланади;
- предметлар, воқеалар ва кўринишлар ўртасидаги оддий алоқаларни тушунади ва уларни яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилади;
- рақамлар, ҳисоб-китобни билади ва уларни ҳаётда қўллайди;
- макон, шакл ва вақтга мос равишда иш тутати;
- элементар математик ҳисоблашларни амалга оширади;
- атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва кўринишларни кузатади ҳамда тадқиқ қилади;
- атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этади.[1]

Мактабгача таълим ташкилотларида ҳар бир болада содда математик малакаларни ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган таълимий фаолият бешта асосий йўналишни қамраб олади:

1. Геометрик шакллар ва предметларнинг шакли ҳақидаги тасаввурлар шакллантириш.
2. Фазода мўлжал олиш кўникмаларини ҳосил қилиш.
3. Вақт ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.
4. Миқдор-катталиқ ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш.
5. Сон-санок ҳақида тушунчалар ҳосил қилиш. [3]

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига элементар математик тушунчаларни шакллантириш тўғрисида бир қанча таниқли математиклар илмий асосланган услублар тизimini яратганлар. Жумладан, И.А.Маркушевич тарбияланувчиларнинг кўникмалари бўйича иетодологик дастур беради, С.И.Шварцбурд математик тушунчаларни шакллантиришда, уларни бир неча компоненталарга ажратиб беради, Б.В.Гнеденко ўз ишларида математик қобилиятларнинг икки хил:


«Оддий, ўрта қобилият» ва «ўртадан юқори бўлган қобилият» каби даражаларини ажратиб кўрсатади, шунингдек математикани ўргатишда тарбиявий чораларнинг қатор омилларини киритади.

МТТ ларда элементар математик тушунчаларни шакллантиришда республикамизнинг қатор олимлари ва методистлари ўз хиссаларини қўшганлар, услубий қўлланмалар чоп этганлар. Н.У.Бикбаева ва бошқалар «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш», М.Е.Жумаев «Болаларда математик тушунчаларни ривожлантириш назарияси ва услубиёти» номли қўлланмаларида болаларда математик билимларни шакллантириш масалаларини ёритиб берганлар.

«Илк қадам» таълим дастуридаги талаблар ва компетенциялар асосида да «Даслепки қадам» номли интерактив ўқув мажмуани ишлаб чиқдик. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган интерактив ўқув мажмуада мультимедия технологиялари асосида элементар математик билим беришда аналогия мисоллари келтирилган.

МТТ ларда мультимедия технологиялари асосида тарбияланувчиларга элементар математик билим беришда аналогия (юн. *analogia* - мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик) усулидан фойдаланиш самарали натижа беради. [2]. Сонларни, буюмларни, объектларни, масофанинг катта-кичиклигини, паст-баландлигини, қисқа-узунлигини, кўп-озлигини ўрганишда фойдаланса бўлади. Аналогияга тегишли бир неча мисолларни компьютерда бажариш бўйича намуналар келтирамиз.

Масалан, монитор экранига 1 та товук ва 1 та банан чиқарилади. Тарбиячи болалардан экранда нимани кўраяпсизлар, деб сўрайди. Болалар товук ва бананни деб жавоб берадилар. Тарбиячи яна савол беради. Товук нечта, банан нечта, деб сўрайди. Болалар 1 та товук ва 1 та банан деб жавоб берадилар. Тарбиячи 1 рақамини анимация орқали товук ва банан ўртасига тасвирлайди ва 1 рақамини нарсалар билан тушунтиради. Шу ерда тарбиячи товук ҳам, банан ҳам 1 та булгани учун улар 1 рақамга = эканлигини айтиб, = белгисини чиқарадилар. Шундай қилиб, 2,3,4 ...10 рақамларини ҳам тушунтиради.



Рақамларни ўрганиб бўлгандан сўнг тарбиячи болалар мустақил бажариши учун топшириқлар беради. Бу ерда топшириқларни Power Point дастурида, iSpring дастурида ёки бошқа қулай компьютер дастурларида ҳам тайёрласа бўлади. iSpring дастурида тест тузиш бўлимидаги 11 хил тестдан фойдаланса қуйидаги расмдаги кўринишда бўлади. Бу топшириқни бажаришда бола рақамнинг устидан ушлаб (сичкончанинг чап тугмасини босиб) тўғри келган расм билан боғлайди.





Тарбиячи **Отправить** тугмасин босади. Бу ерда бола топширикни тўғри бажарган бўлса, рағбатлантирилади ва расми совға олади. Рағбатлантиришни овозли қилса

хам бўлади. Бундай рағбатлантиришдан сўнг болалар келаси топширикни ҳам тўғри бажаришга ҳаракат қилади. Агар бола топширикни нотўғри бажарса, нотўғри бажардинг эътиборлироқ бўл деб огоҳлантиради.

Компьютерли таълимга асосланиб элементар математик билимлар бериш бўйича машғуотларни кўриб чиқамиз.

Мавзу: 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш.

Мавзу ўтиладиган машғулотнинг технологик харитасини тузиб оламиз.

Мавзу	10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш (30 дақиқа)
Мақсад ва вазифалар	<i>Мақсад:</i> Тарбияланувчиларга 10 гача тўғри ва тескари санашни ўргатишни давом эттириш. <i>Таълимий:</i> Тарбияланувчиларга 10 гача тўғри ва тескари санаш бўйича билим бериш. <i>Тарбиявий:</i> компьютердан фойдаланиш маданиятини шакллантириш. <i>Ривожлантирувчи:</i> тарбияланувчиларнинг мантикий фикрлашини ривожлантириш. <i>Вазифалар:</i> - тарбияланувчиларга 10 гача тўғри ва тескари санашни ўргатиб, амалларни мустақил бажаришга ундаш; - сонларни тўғри ва тескари санаш бўйича малакалар ҳосил қилиш;
Машғулот жараёнининг мазмуни	Мультимедия воситалари ёрдамида ташкил этилган компьютерли машғулотда тарбияланувчиларга 10 гача тўғри (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10) ва тескари (10,9,8,7,6,5,4,3,2,1) санаш ўргатилади. Бу амаллар компьютерда бажарилиб, элементар математик билим шакллантирилади.
Машғулот жараёнининг амалга ошириш технологияси	<i>Услуб:</i> компьютерли таълим, савол-жавоб, кўргазмали таълим. <i>Шакл:</i> Яқка ва гуруҳда ишлаш. Тарбиячи тарбияланувчиларни компьютер олдида олиб боради ва машғулотни бошлайди. Биринчи навбатда компьютерда ишлаб тайёрланган тақдимотни (рақамлар ва олмалар) тарбияланувчиларга номойиш этади ва савол-жавоб орқали машғулотни давом эттиради. Масалан, 10 гача тўғри санашда; 1 та олма, 2 та олма, 3 та олма ... олмалар кўпайиб боради, тескари санашда 10 та олма, 9 та олма, 8 та олма ...олмалар камайиб боради. Тарбияланувчилар гуруҳ бўлиб санаб жавоб берадилар. <i>Восита:</i> 10 гача тўғри ва тескари санашга оид анимацияли мультимедия воситалари. <i>Усул:</i> намоийиш этиш, тарбияланувчиларнинг диққатларини жалб этиш, савол-жавоб қилиш. <i>Назорат:</i> Компьютерли назорат, савол-жавоб. <i>Баҳолаш:</i> рағбатлантириш, гул, сандиқча, юлдузча ва ҳақозо расмларини тақдим этиш.
Кутиладиган натижалар	<i>Тарбиячи:</i> компьютер ёрдамида мультимедияли машғулот ўтказиш натижасида 10 гача тўғри ва тескари санаш бўйича кутилган натижага эришади. Тарбияланувчиларнинг машғулотга қизиқишлари ортади, тарбияланувчиларнинг билимларини назорат этиб боради, рағбатлантириб боради ва қўйилган мақсадга эришади. <i>Тарбияланувчи:</i> 10 гача тўғри ва тескари санашни пухта ўрганиб олади, компьютер саводхонликлари шаклланади. Мустақил билим олишга ўрганиб оладилар.
Келгуси режалар	<i>Тарбиячи:</i> тарбияланувчиларнинг келгусида 10 гача бўлган сонларда олдин ва кейин келадиган сонни топишга тайёрлайди. Тарбияланувчиларга буюмларни санашни ўргатади. <i>Тарбияланувчилар:</i> Навбатдаги машғулотларда компьютердан фойдаланиб, мустақил равишда топшириқларни бажаради.
Уйга вазифа	Тарбияланувчиларга санаш бўйича топшириқлар берилади: Уйингизда нечта дераза бор, нечта эчик бор. Ойлангизда қанча одам яшайди.

МТТ тарбияланувчиларига элементар математик билим бериш жараёнида информатика ва ахборот технологияларининг воситаси бўлган компьютерлардан фойдаланилганда, болаларнинг фаолликлари ва қизиқишлари шаклланади, анъанавий шаклдаги машғулотга солиштирганда самарадорлиги ортади.

Адабиётлар

1. “Ilk qadam” Maktabgacha ta’lim muassasasining Davlat o’quv dasturi. -T.: 2018.
2. Abdukodirov A.A., Begmatova N.H. Maktabgacha ta’lim muassasalarida mul’timedia texnologiyalaridan foydalanish uslubiyoti. –Qarshi: «Nafis» 2011.
3. Erxonova N., Ro’ziyeva Z. “Tarbiyachi kitobi. Matematika”. Amaliy qo’lanma. - Toshkent: “Zamin”, 2020.

РЕЗЮМЕ. Мақолада мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига элементар математика тушунчалар бериш, содда математик малакаларини ривожлантириш усулларидан фойдаланиш ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье расскрывается использование методов для развития основных математических навыков, для обеспечения учащихся дошкольного образования основными математическими понятиями.

SUMMARY. The article deals with collections of methods for the development of basic mathematical skills for preschool students of basic mathematical concepts.